



ТОШКЕНТ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

2017 йил 31 ЯНВАРЬ, СЕШАНБА

ОҚШОМИ

№ 21 (13.354)

Баҳоси эркин нарҳда

ИСЛОМ КАРИМОВ ТАВАЛЛУДИ КУНИ МАМЛАКАТИМИЗ БЎЙЛАБ КЕНГ НИШОНЛАНМОҚДА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 30 январь –
Биринчи Президентимиз Ислон Каримов таваллуди кунини муносабати билан
Самарқандга ташриф буюрди.**

Давлатимиз раҳбари Ислон Каримов қаб-
рини зиёрат қилди. Қуръон тиловат қилинди.
Самарқанд дунёга машҳур, қўпчилик бир
қўришни орзу қиладиган Регистон, Амир Те-
мур мақбараси, Бибиҳоним масжиди, Шоҳи
Зинда ва Ҳазрати Хизр мажмуаси каби тари-
хий обидалари қаторида бугун Ўзбекистон
Республикасининг Биринчи Президенти, муста-
қиллигимиз асосчиси Ислон Каримов мангу
қўним топган маскан сифатида ҳам эътироф
этилмоқда.

Зиёратчилар қадами узилмайдиган бу жой
бугун табарруқ масканга айланган. Мамлака-
тимизнинг турли ҳудудларидан келаётган
юртдошларимиз, хорижий давлат ва жамоат
арбоблари, сайёҳлар Ислон Каримов хотира-
сини ёд этиб, Юртбошимизнинг Ватан, халқ
олдидаги эзгу ишларини эсга олмақда.

Биринчи Президентимизнинг ташаббуси
билан мамлакатимизда кенг қўламли бунёд-
корлик ва ободонлаштириш ишлари амалга
оширилди. Жумладан, Самарқанд ҳар томон-
лама обод қилиниб, бутун жаҳондан келадиган
меҳмон ва сайёҳларнинг ҳавасини тортмоқда.

Бу хайрли ишлар бугун Президентимиз
Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида тизимли
равишда давом эттирилмоқда.
Шу маънода давлатимиз раҳбари Шавкат
Мирзиёевнинг 2017 йил 25 январдаги "Ўзе-
бекистон Республикасининг Биринчи Президенти
Ислон Абдуғаниевич Каримовнинг хотираси-
ни абадийлаштириш тўғрисида"ги Қарори
халқимиз кўнглидаги ниятнинг ёрқин ифода-
си бўлди. Ушбу қарорга мувофиқ 30 январь –
Ислон Каримов таваллуди кунини муносабати
билан мамлакатимиздаги таълим муассаса-

лари, ҳарбий қисмлар, меҳнат жамоалари ва
маҳаллаларда турли маданий-маърифий тад-
бирлар ўтказилаётди.

Бу тадбирларда Ислон Каримов серқирра
фаолияти, олижаноб инсоний фазилатлари
билан Ватанимиз тарихида ўчмас из қолдир-
гани, нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон микё-
сида катта ҳурмат ва обрў-эътиборга сазо-
вор бўлган улкан шахс, давлат ва сиёсат ар-
боби сифатида танилгани таъкидланмоқда.

Биринчи Президентимиз Ислон Каримов
таваллуди санаси – 30 январь кунини пойтахти-
миз Тошкентда, Қорақалпоғистон Республика-
си ва барча вилоятларда эҳсон оширилди.

Самарқанд ва Тошкентдаги маросимларда
Президентимиз Шавкат Мирзиёев иштирок
этди.

ЎЗА

КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ВАЗИФАСИНИ БАЖАРУВЧИ ХВАН ГЁ АН ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари!
Мамлакатларимиз ҳамкорлиги тарихидаги
муҳим сана – Ўзбекистон Республикаси ва Ко-
рея Республикаси ўртасида дипломатик муно-
сабатлар ўрнатилганининг 25 йиллиги муноса-
бати билан Ўзбекистон халқи номидан Сизни
ва бутун Жанубий Корея халқини саноимий та-
бриқлаш менга катта мамнуният бағишлайди.

Бугунги кунда стратегик шериклик даража-
сига кўтарилган мамлакатларимиз ўртасидаги
ўзаро муносабатлар минг йиллик тарихга эга
экан ва халқларимиз ўша даврлардаёқ Буюк
ипак йўли орқали дипломатик, савдо ва мада-
ний алоқаларни йўлга қўйганини юксак қадр-
лаймиз.

Айни пайтда Ўзбекистон билан Жанубий Ко-
рея ўртасидаги ўзаро дўстлик, ҳурмат ва ҳам-
жиҳатлик аниқланишига асосланган алоқалар ҳар
икки томоннинг сиёсий ҳоҳиш-иродаси тўғри-
ли мустаҳкам ва ўзаро манфаатли хусусият касб
этди.

Катта иқтисодий, интеллектуал ва индустри-
ал-техник салоҳиятга эга, жаҳон иқтисодиёти
ва сиёсатида муҳим ўрин тутатган Корея Рес-
публикаси Ўзбекистон Республикаси давлат мус-
тақиллигига эришгандан сўнг ўтган вақт мо-
байнида мамлакатимиз учун ишончли ва узоқ
муддатли шериклардан бирига айланди.

Сўнгги йилларда мамлакатларимиз ҳамкор-
лигининг муҳим асосларини янада мустаҳкам-
лаш, олий даражадаги очқ ва ишончли сиё-
сий мулоқотларни ривожлантириш, халқаро таш-
килотлар доирасида кенг ҳамкорлик қилиш ва
бир-бирини қўллаб-қувватлаш борасида сал-
моқли ютуқларга эришганини мамнуният билан
таъкидлашни истардим.

Ўзбекистон Корея Республикасининг тинч-
ликпарвар ва ҳар томонлама пухта ўйланган
ташқи сиёсатини, Корея ярим оролида тинч-
лик, хавфсизлигини таъминлаш, уни ядро қў-
ролидан холи ҳудудга айлантириш борасидаги
саъй-ҳаракатларини изчил қўллаб-қувватлайди.

Сизнинг 2016 йил май ойида Ўзбекистонга
расмий ташриф билан келиб, Сурғил қони не-
гизда барпо этилган Устюрт газ-кимё мажму-
асини фойдаланишга топшириш маросимида
иштирок этганингизни мамнуният билан эслай-
ман. Ушбу мажмуа биз самарали ҳамкорли-
гимизнинг ёрқин рамзи ва кейинги бундада
йирик ва муҳим лойиҳалар учун андоза сифа-
тида қабул қиламиз.

Яқинда телефон орқали мулоқотимиз чоғи-
да Корея Республикаси ҳукумати ва ишбилар-
мон доиралари Ўзбекистон билан Жанубий Ко-
рея муносабатларини турли йўналишда бўйча
янада кенгайтириш, икки томонлама стра-
тегик ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш борасида янги
инициативаларни ишга солишга тайёр эканига яна
бир бор амин бўлганимни алоҳида таъкидла-
моқчиман.

Сизни яна бир бор ишонтириб айтманки,
шахсан мен ва Ўзбекистон ҳукумати Корея Рес-
публикаси билан савдо-иқтисодий, молиявий-
инвестициявий ва технологик ҳамкорлиқни яна-
да мустаҳкамлашнинг қатъий тарафдориман. 25
йил давомида айнан мана шу соҳаларда ҳам-
корлигимиз муттасил ривожланди. Энергетика,
кимё, тўқимачилик, автомобиль саноати,
инфраструктура, транспорт, "электрон ҳукумат"
ва телекоммуникациялар соҳасида ҳамкорлик-
да ҳаётга татбиқ этилган кенг қўламли юқори
технологик инвестиция лойиҳалари бунинг
ёрқин тасдиғидир.

2016 йил Сеулда ўтказилган Савдо-иқтисо-
дий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўмита
мажлиси ва икки давлат молия вазирларининг
учрашуви қатор истиқболли соҳаларда ўзаро
ҳамкорлиқнинг янги йўналишларини мувофиқ-
лаштириш имконини берди.

Маданий-гуманитар алоқалар ҳам жадал
ривожланиб, халқларимиз ўртасида ҳамжиҳатли-
қни мустаҳкамлашга хизмат қилаётгани алоҳида
диққатга сазовордир. Жорий йилда саховатли
Ўзбекистон заминидан яшаётганининг 80 йилли-
гини нишонлайдиган корейс диаспораси мам-
лакатларимиз ўртасида дўстлик муносабатлари-
ни янада мустаҳкамлаш ва халқларимизни бир-
бирига яқинлаштиришда алоҳида ўрин тутди.

Ўзбекистон билан Корея Республикаси ўрта-
сида йўлга қўйилган ўзаро муносабатларни яна-
да мустаҳкамлаш, кенг қўламли икки ва кўп
томонлама ҳамкорлиқнинг янги йўналишларини
белгилаш мақсадида ишончли ва амалий
мулоқот ҳамда ҳамкорлик бардавом бўлишига
ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Хван Гё Ан Жа-
ноби Олийларига мустаҳкам солиқ, улкан му-
ваффақият, Корея Республикаси халқига бахт-
саодат ва фаровонлик тилайман.

Саноимий эҳтиром билан,
Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари!
Сиз билан 2017 йил 5 январь кунини телефон орқа-
ли мулоқотимиз чоғида Корея Республикаси ва
Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги ўзаро ишонч
ва ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш принциплари, шу-
нингдек, шахсий дўстона муносабатларимизни рив-
жолантириш тарафдори эканимизни тасдиқла-
ганимиз алоҳида аҳамиятга эга эканини мамнуният
билан таъкидлайман.

Жорий йилда мамлакатларимиз ўртасида дип-
ломатик муносабатлар ўрнатилганига 25 йил
тўлди. 2006 йил Корея Республикаси ва Ўзбеки-
стон Республикаси Стратегик шериклик тўғрисида
қўша декларацияни имзолади ва шундан буён
мамлакатларимиз сиёсий, иқтисодий, маданий-
гуманитар ва бошқа қўллаб-қувватлашда ўзаро ман-
фаатли ва истиқболли ҳамкорлиқни изчиллик бил-
ан кенгайтириб келмоқда.

Ўтган йили самарали ҳамкорлигимизнинг ёрқин
намунаси бўлган Сурғил қони негизида Устюрт газ-
кимё мажмуасини қуриш лойиҳаси муваффақият-
ли низоҳасига етказилди. Нефть-кимё соҳасида
бирликлда амалга оширилаётган бошқа лойиҳа-
лар, шунингдек, келажакда ҳаётга татбиқ этила-
диган янги лойиҳалар ҳам мамлакатларимизнинг
самарали ҳамкорлигини янада кенгайтиришга хиз-
мат қилишига ишонаман.

Дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25
йиллиги, корейсларнинг Марказий Осиёда яша-
ётганининг 80 йиллиги Корея Республикаси бил-
ан Ўзбекистон Республикаси ўртасида дўстлик
ва ҳамкорлик муносабатларини янада мустаҳкам-
лашда муҳим омил ҳисобланади. Ўзаро ҳамкорлик
доирасида барпо этилаётган Корея маданияти
ва санъати уйи халқларимизни янада яқинлашти-
ришда муҳим аҳамият касб этишига ишончим ко-
мил.

Жаноби Олийлари, Сизга мустаҳкам сийҳат-са-
ломатлик, Ўзбекистон Республикасида чекиз фар-
овонлик тилайман.

Эҳтиром билан,
Хван ГЁ АН,
Корея Республикаси Президенти
вазифасини бажарувчи

"ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ" МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИГА

Қадрли дўстлар!

Сизларни қўлғу сана – "Ўзбекистон ҳаво
йўллари" Миллий авиакомпанияси ташкил
этилганининг 25 йиллиги билан чин қалб-
бимдан самимий муборакбод этаман.

Мамлакатимиз фуқаро авиацияси бизнинг
мушаккил давлатимиз билан биргаликда из-
чил шаклларида ривожланди. Ўтган чорак
аср давомида пухта ўйланган, узоқ муддат-
га мўлжалланган стратегия асосида мазкур
тармоқни тараққий эттириш бўйича улкан
бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

Бугунги кунда Миллий авиакомпаниямиз
Ўзбекистонни иқтисодий ва ижтимоий рив-
жолантириш, қўллаб-қувватлаш бўйича давлатлар
билан самарали ҳамкорлиқни кенгайтириш
ва мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб хиз-
мат қилмоқда.

Компания кўп миллатли жамоасининг юксак
касб маҳорати нуфузли халқаро авиа-
ция ташкилотлари томонидан бир неча бор
эътироф этилди. Авиация хавфсизлигини
таъминлаш, парвозларни сифатли амалга
ошириш, авиация фаолиятининг барча со-
ҳаларида, жумладан, авиация техникасига
хизмат кўрсатишда энг илгор технология-
ларни кенг қўллаш борасида юксак натижа-
ларга эришилди.

Ҳозирги вақтда замонавий ҳаво кемала-
ри, хусусан, Боинг-787 (Dreamliner) само-
лётлари билан таъминланган Миллий авиа-
компания халқаро авиатрашувлар тизимида
муносиб ўрин эгаллайди. "Ўзбекистон"
ёзуви туширилган авиалайнерлар жадал рив-
жоланиб бораётган мамлакатимизнинг ёрқин
рамзи сифатида дунёнинг кўпгина минтақалари
ҳаво маконини забт этиб, йи-
гирмадан ортқ давлатга парвозларни амалга
оширмоқда. 2016 йилда авиакомпаниямиз
самолётлари томонидан 2 миллион 500 минг
йўловчи ва 43 минг тонна юк тегишли ман-
зилларга етказилди.

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиа-
компанияси ҳар йили 90 мингдан зиёд тран-
зит парвозларни бошқариб, 300 дан ортқ
хорижий авиакомпания самолётларига аэро-
навигация хизмати кўрсатмоқда. Уларнинг
аксарияти Марказий Осиё минтақасида яго-
на бўлган, энг замонавий талабларга жавоб

берадиган Авиация техникасига техник хиз-
мат кўрсатиш маркази хизматларидан фой-
даланмоқда. Боинг-787 самолётлари учун
Композиция материалларидан тайёрланган
маҳсулотларни таъмирлаш маркази компа-
ния фаолиятида кенг истиқболлар очди.

Мамлакатимизнинг жаҳон стандартлари
даражасида модернизация қилинган барча
ўн битта аэропортига "халқаро аэропорт"
мақоми берилди. Минтақамиздаги энг йи-
рик ва юқори манзилга етказиб бериш
бўйича юқори технологияларга асосланган
Халқаро интермодал логистика маркази Ев-
роосийнинг асосий логистика марказлари
билан ҳаво қатновлари орқали боғланган.
Юқори ҳаво йўллари орқали ташқи тар-
моғи йилдан-йилга кенгайиб бормоқда.

Халқимиз Ўзбекистон ҳаво флотини ходим-
лари – учувчи ва муҳандислар, авиатехник
ва борт қўзғатувчилари, ердан туриб пар-
возлар хавфсизлигини таъминлайдиган барча
хизматлар диспетчер ва мутахассислари-
нинг фидокорона ва сидқидилдан қилаёт-
ган меҳнатини юксак қадрлайди.

Айни вақтда барчамиз бир ҳақиқатни яхши
тушунамиз, бугунги шиддат билан ўзгариб
бораётган замон бизнинг олдимишга янги
ва янада қатъий талаблар қўймоқда. Олди-
мишда ҳали қиладиган ишимиз кўп, бирин-
чи навбатда, авиакомпаниямиз рақобатдош-
лигини янада ошириш – энг муҳим вазифа-
миздир.

Ишончим комил, сизлар ўтган даврда
қўлга киритилган ютуқларни танқидий ёнда-
шув асосида баҳолаб, ўзининг бор били-
м ва тажрибангиз, бутун салоҳиятигизни
ишга солиб, янада юксак масъулият ва
фидойилик билан меҳнат қиласиз.

Азиз дўстлар!
Сизларни Миллий авиакомпаниямиз таш-
кил топланининг 25 йиллиги билан яна бир
бор чин қалбимдан табриқлайман. Сизларга
бахту саодат, мустаҳкам соғлиқ, олижа-
ноб фаолиятингизда юксак парвозлар ва
янги-янги ютуқлар тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

"ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ" МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯСИНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАҲРИЙ ЁРЛИГИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизнинг иқти-
содий салоҳиятини юксал-
тириш, соҳани модернизаци-
я қилишда эришилган
ютуқлар, илгор технологиялар-
ни жорий этиш ишлари-
га қўшган муносиб ҳисса-
си, парвозлар хавфсизлиги-
ни таъминлаш ва сифатли
ҳаво транспорти хизматини
кўрсатиш борасида дунёда
муносиб ўрин эгаллаганили-

ги ва халқаро микёсда эъти-
рофга сазовор бўлаётганли-
ги, миллий авиакомпания-
мизнинг жамиятимиз ижти-
моий-иқтисодий ҳаётида
тутган ўрнини эътиборга
олиб ҳамда ташкил этилга-

нинг 25 йиллиги муноса-
бати билан "Ўзбекистон
ҳаво йўллари" Миллий авиа-
компанияси Ўзбекистон Рес-
публикасининг Фаҳрий
ёрлиги билан мукофотлан-
син.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2017 йил 28 январь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

"ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ" МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯСИНИНГ 25 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУҲ ХОДИМЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз фуқаро авиациясини
замонавий талаблар асосида ривожлан-
тириш, авиация хавфсизлиги ва парвоз-
ларни сифатли амалга оширишни таъ-
минлаш, тизимга илгор технологиялар-
ни жорий этиш ва юқори малакали кадр-
лар тайёрлаш борасидаги катта хизмат-
лари учун қўйидагиларга фаҳрий унвон
берилсин:

**"Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган фуқаро
авиацияси ходими"**

Муҳаммаджанов Давлат Талғатович –
"Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиаком-
панияси Учувчилар мажмуасининг "А-320"
учувчилар отряди учувчи-йўриқчи мето-
дисти

Салимов Сергей Мартиевич – "Ўзе-
бекистон ҳаво йўллари" Миллий авиаком-
панияси "Uzbekistan airways technics"
авиакорхонасининг линияли хизмат
кўрсатиш цехи бошлиғи

Юртимиз ҳаво транспорти тизимида-
ги кўп йиллик самарали меҳнати, мил-
лий авиациямизни халқаро андозалар-

га мувофиқ такомиллаштириш, соҳага
оид изювоқларни муваффақиятли амал-
га ошириш ишларига қўшган муносиб ҳис-
саси ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иш-
тироки учун қўйидагилар мукофотлансин:

**"Фидокорона хизматлари
учун" ордени билан**

Акбаров Акмал Акрамович – "Ўзе-
бекистон ҳаво йўллари" Миллий авиаком-
панияси бош директорининг биринчи
ўринбосари

Нурматов Дилшатжон Ахматович –
"Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиа-
компаниясининг "Махсус авиация ишла-
ри" компанияси Қарши авиазавоси ко-
мандири

**"Меҳнат шухрати" ордени
билан**

Ибрагимов Илхам Каримович –
"Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиа-
компаниясининг "Махсус авиация ишла-
ри" компанияси 1-учувчилар отряди ко-
мандирининг ўринбосари

(Давоми 2-бетда)

ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ЭНГ ҚУЛАЙ ВА САМАРАЛИ УСУЛИДИР

**Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда
ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш
ишлари билан ақиндан танишиш, халқ билан учрашиш ва мулоқот қилиш мақсадида
27-28 январь кунлари Хоразм вилоятида бўлди.**

Шавкат Мирзиёев ўзининг Сай-
ловолди дастурида давлат орган-
лари халққа хизмат қиладиган ти-
зим жорий этилишини, барча да-
ражадаги раҳбарлар ҳудудларда,
одамларнинг дардини эшитиб,
масалаларни жойида ҳал қилиши-
ни таъкидлаган эди. Орадан
қисқа вақт ўтганига қарамай, ушбу
дастурий вазифалар ҳаётда ўз ифо-
дасини топмоқда. Президентимиз
ҳудудларга сафари чоғида ижти-
моий-иқтисодий лойиҳалар билан
жойида танишиб, хонадонларга
кириб, халқ билан мулоқот қил-

моқда. Бу одамларнинг дунёкара-
шини, ҳаётга муносабатини
ўзгартирмоқда.
Давлатимиз раҳбари 28 январь
кунини Республика ихтисослашти-
рилган кардиология марказининг
Хоразм филиали билан таниши-
ди.

Мазкур шифохона аҳолига да-
волаш ва профилактика хизмати
кўрсатиб келмоқда. Кардиология,
кардиореабилитация, кардиохи-
рургия, интервенцион кардиоло-
гия ва физиотерапия бўлимлари,
поликлиника фаолият юритмоқда.

Ушбу тиббиёт маскани негиз-
да Россия Федерациясининг
А.Бакулев номидаги юрак-қон то-
мир жарроҳлиги илмий-амалий
маркази филиалини ташкил этиш
режалаштирилмоқда. Бу қақалоқ-
ларда учрайдиган юрак нуқсонла-
рини эрта аниқлаш ва даволаш,
йиллига 3 мингдан зиёд беморлар-
га ихтисослашган тиббий ёрдам
кўрсатишга имконият яратди.
Мазкур шифохона Қорақалпоғис-
тон Республикаси, Хоразм, Бухо-
ро вилоятлари аҳолиси учун мин-
тақавий марказ бўлади.

Соғлиқни сақлаш тизимининг
бирламчи бўғинини ривожланти-
риш, ўқув юртларида қишлоқ
врачлик пунктларига ихтисослаш-
ган мутахассислар тайёрлаш,
профилактика ишларини кучай-
тириш, аҳолининг тиббий мада-
ниятини ошириш долзарб маса-
лалар ҳисобланади. Бундай мар-
казлар беморларни даволаш би-
лан бирга, ана шу ишларга ҳам
салмоқли ҳисса қўиши керак,
деди Шавкат Мирзиёев.

(Давоми 2-бетда)

Биринчи Президентимиз Ислон Каримовнинг оқилона ва узоқни кўзлаган сиёсати натижасида Ўзбекистон халқаро ҳамжамиятда ўзининг муносиб ўрнига эга кучли давлатга айланди. Бугун мамлакатимизнинг шаҳар ҳамда қишлоқларида бўлгани каби, ушбу атоқли шахснинг хотираси бутун дунёда ёд этилмоқда. Хусусан, хорижий давлатларнинг етакчи вакиллари Ислон Каримовнинг Ўзбекистонни ривожлантириш йўлидаги бебаҳо фаолияти ҳақида фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашмоқдалар.

Ирнерио СЕМИНАТОРЕ,
“Дўстлик” ордени соҳиби, Европа
Халқаро муносабатлар институти
президенти (Бельгия):

– Ислон Каримов жасорати билан 1991 йили дунё харитасида янги суверен давлат – Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлди. Оқил ҳамда узоқни кўра оладиган раҳбар сифатида мамлакатимиз Биринчи Президенти бешта тамойилга асосланган, бугунги кунда ҳаётийлигини намойён этиб, ўзини тўла оқлаган тараққиётнинг “Ўзбек модели”ни тақлиф этди ва ишлаб чиқди. Мустақилликнинг илк йилларида “Янги уйни қурмай туриб эскисини бузмаган” шiori остида амалга оширилган ислохотлар Ўзбекистонда кучли давлат ва замонавий фуқаролик жамиятини барпо қилишнинг тамал тошини қўйди.

Халқнинг Ислон Каримов бошчилигидаги саъй-ҳаракатлари натижасида республика замонавийлик ҳамда бой тарих уйғунлашган ўлкага айланди.

Жан-Клод РИШАР,
Франциянинг Ўзбекистондаги
собиқ элчиси:

– Мен мамлакатингизда фаолият юритган вақтда жуда кўплаб ёрқин ҳолатларга гувоҳ бўлганман. Улар орасида Биринчи Президент Ислон Каримовнинг 1996 йил апрель ойида Францияга амалга оширган расмий ташрифи ва унинг Президент Жак Ширак билан жуда илқ вазиятда ўтган учрашувини алоҳида эсламан. Уша чоғда давлатимиз раҳбари мендан Париж шаҳрида Амир Темур ҳақидаги кўргазманинг Ислон Каримов иштирокида очилиши ҳақида вақтга мўлжалланаётгани ҳақида секин сўради. Ва кечга томон, гарчи, унинг қатнашиши режалаштирилмаган бўлса ҳам, Жак Ширак ушбу тадбирга келди ҳамда Ўзбекистон раҳбари унда жуда яхши таассурот қолдирганини айтди.

Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти мени “Дўстлик” ордени билан мукофотлаган. Мен ундан бизнинг ўзбек ҳамкасбларимиз билан биргаликдаги икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш ва ўзаро англашувни мустаҳкамлаш борасидаги фаолиятимизни кўллаб-қувватлагани учун ҳамisha миннатдорман.

Ҳарбий-телекоммуникация йўналишидаги Тошкент академик лицейида “ЭКОСАН” ва “Меҳр ва мурувват” жамоат фондлари ҳамкорлигида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов хотирасига бағишлаб тадбир ташкил этилди. Унда ушбу жамоанинг педагоглари, ўқувчилари ва Фурқат номидаги маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари қатнашди.

ИНСОН ХОТИРАСИ МУҚАДДАС

Тадбирда сўз олганлар буюк давлат ва сиёсат арбоби, мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислон Каримов юртимизни мустақил тўзум қарамлигидан озод қилиб, тарихан қиска даврда Ўзбекистонни жадал ва барқарор суръатлар билан ривожлантирган замонавий демократик давлатга айлантирганини таъкидлаб ўтишди. Она Ватанимиз мустақиллиги, эл-юртимиз раънақи йўлида ҳар биримиз масъулият билан ёндашиб, юртимизнинг янада гуллаб-яшнашига ўз хиссамизни қўшимиз муҳимлиги алоҳида таъкидланди.

“ЭКОСАН” ва “Меҳр ва мурувват” жамоат фондлари жамоаларининг ўз соҳалари бўйича берган сабоқлари ўқувчиларнинг экологик билимлари шаклланишига, соғлом турмуш тарзининг ривожига муносиб ҳисса қўшди, албатта.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги жамоат фонди лойиҳаси ижроси доирасида чоп этирилган “Экологик тарбия ёки атроф-муҳитга нисбатан муносабат” ва “Экологик маданиятни шакллантиришда кадрларнинг ўрни” китобларининг тақдими ҳам бўлиб ўтди.

Миркарим МИРСОВУРОВ,
“ЭКОСАН” халқаро хайрия жамоат фонди бўлим бошлиғи

ҚАЛБИМИЗДАН АБАДИЙ ЖОЙ ОЛГАН

Юнусобод тумани ҳокимлиги, Маънавият тарғибот маркази, Тошкент Ахборот технологиялари университети, Маданият ва спорт ишлари, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди туман бўлимлари билан ҳамкорликда “Халқ қалбидан абадий жой олган арбоб” мавзuida тадбир бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов хотирасига бағишланди. Унда зиёли олимлар, кенг жамоатчилик вакиллари, сиёсий партиялар, туманда жойлашган корхона, ташкилот, тиббиёт муассасалари ходимлари, талабалар, МФЙ фаоллари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

– Замонамизнинг буюк давлат арбоби, мамлакатимиз ва халқимизнинг тақдири, бахту саодати йўлида ўз ҳаётини бағишлаган улуғ йўлбошчимиз Ислон Абдуғаниевич Каримовнинг вафоти барчамиз учун огир жудалик бўлди, — деди ўз чиқишида Республика Маъ-

Марк БОННЕЛЬ,
“Ибн Сино-Франция” уюшмаси
президенти:

– Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислон Каримовга нисбатан менда юксак ҳурмат-эҳтиром шаклланди. Унинг оқилона сиёсати туфайли республика аҳли тинч ва осуда ҳаёт кечирмоқда. Илк бор Ислон Каримов билан учрашимиз ҳамда суҳбатлашимиз менга 2006 йил 2 ноябрь кунини Хива шаҳрида, Хоразм Маъмур академиясининг 1000 йиллигини нишонлаш тантаналари чоғида насиб қилган. Биз Франция ва Ўзбекистон ўртасидаги маданий алоқаларнинг тарихи бойлиги ҳақида суҳбатлашдик.

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ БЕБАҲО ХИЗМАТЛАРИ ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИ ЭЪТИРОФИДА

Ислон Каримов мураккаб даврда мамлакатга раҳбарлик қилган ва чўқур сиёсий, иқтисодий-ижтимоий ислохотлар орқали республикани ўз халқи фаровонлиги учун ривожланиш йўлига олиб чиққан буюк давлат арбоби эди.

Бугун биз Ислон Каримовни самимий эҳтиром билан ёдга оламиз ҳамда халқларимиз ўртасидаги дўстлик риштасини мустаҳкамлашга қўшган бемисл ҳиссаси учун ундан миннатдоримиз. Бу хизматларни ҳеч қачон унутмаймиз.

Удо ФЭЛЬКЕР,
“Дўстлик” ордени соҳиби, Германия – Ўзбекистон ишбилармонлар кенгаши аъзоси, “CLAA” компанияси катта маслаҳатчиси:

– Ўзбекистон билан боғлиқ кўп йиллик фаолиятим давомида мен Ислон Каримов – ўз мамлакатининг ҳақиқий жонқури, оқил сиёсатчи ва етук давлат арбоби билан шахсан таниш эдим.

Мустақил Ўзбекистоннинг асосини яратган шахс сифатида, Ислон Каримов ўз мамлакатини халқаро ҳамжамиятнинг нуфузли аъзосига айлантирди. У Гер-

мания билан дўстона, кўп томонлама ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантиришга улкан ҳисса қўшди.

Ўзбекистонга охириги сафарим чоғида ўз ҳаётини Ватанига бағишлаган ўзбек халқининг содиқ ўғлини хотира-сига яна бир бор эҳтиром кўрсатиш учун Самарқанд шаҳрига бордим.

Ислон Каримов хотирасини абадийлаштириш, кўплаб муассасалар ва миллий аҳамиятга эга бўлган объектларга унинг номини бериш тўғрисидаги Ўзбекистон Президентини қарорининг қабул қилиниши халқ томонидан мамлакатнинг Биринчи Президентига кўрсатилган саримий эҳтиром ҳамда унинг мустақил

давлат шаклланишига қўшган бебаҳо улуши эътирофининг муносиб ифодаси саналади.

Эдгар КЛОЗЕ,
Бранденбург Технология ва инновация ривожини кўллаб-қувватлаш институти президенти (Германия):

– Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислон Каримов эркин, осойишта, барқарор ва тараққий этган давлатга асос солди. Унинг номи ҳақида равишда мамлакат тарихи зарварақларида олтин харфлар билан ёзилди.

Шунингдек, у бизнинг хотирамизда замонавий ўзбек давлатчилигининг асосчиси ҳамда қийинчиликларга қарамай, мамлакатни муносиб равишда барқарор ривожланиш йўлига олиб чиққан миллий етакчи сифатида қолади.

Мамлакат Биринчи Президенти Ислон Каримовнинг асарлари, ўғитлари ва бутун ҳаёти ҳамда фаолияти Ўзбекистон ёшлари учун улкан билим манбаи бўлиб хизмат қилади. Бугун биз ўзбек ёшлари жамиятнинг илгор ҳаракатлантирувчи кучига айланаётганининг гувоҳи бўлмоқ-

дамиз. Биз, мамлакатингизнинг Германиядаги дўстлари Ислон Каримовнинг ёрқин хотирасини ҳамisha ёд этамиз.

Хесус Хил ФУЭНСЕНТА,
Мадрид мухторият университети профессорси (Испания):

– Айни кунларда мен қалбдан ўзбек халқи билан биргаман. Президент Ислон Каримов ўзига ота сифатида муносабатда бўлган мамлакат аҳолисига ривожланаётган ва барқарор давлатни мерос қолдирган атоқли етакчи, Ўзбекистон мустақиллиги меъмори эди. Тарих унинг хизматларини ҳеч қачон унутмайди.

Ислон Каримов 1990-йилларнинг бошида мамлакат тўқнаш келган муаммоларни мардларча, оқилона ҳал этди. Афғонистондаги зиддиятлар ва қўшни республикаларда турли вазиятларнинг кучайиши шароитида Ислон Каримов ислохотларнинг самарали йўлини танлади. Ўзбекистонни модернизация қилди. Унинг мамлакатни босқичма-босқич ривожлантириш йўли муносиб издош томонидан давом эттирилишига ишонаман.

ЛИ Док Хун,
Корея Республикаси Экспорт-импорт банки президенти:

– Ислон Каримов билан илк бор 2015 йил сентябрь ойида учрашганим ҳамда унинг ўз мамлакатини ва халқини муҳаббатини кўриб қаттиқ таъсирланганим. Биринчи Президентининг Ўзбекистонни ривожлантириш йўлидаги қатъий садоқати мамлакатнинг изчил иқтисодий ўсишига кўмак берди. Аминманки, юксак филиаллар соҳиби бўлган Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти ўз халқи хотирасида мангу қолади.

ШИН Донг Бин,
“Lotte Group” компанияси раиси (Жанубий Корея):

– Ислон Каримов ривожланишнинг янги даврини бошлаб берди. Мамлакатнинг Биринчи Президентининг 2015 йилда Корея Республикасига амалга оширган давлат ташрифи чоғида учрашув бўлиб ўтган эди. Ушанда унинг тере-ран мулоҳаза юритиши ва етакчилик қобилияти мени лол қолдирганди.

Биринчи Президентнинг қимматли маслаҳатлари ва ҳар томонлама кўллаб-қувватлаши бизнинг ўзбек ҳамкорларимиз билан ўзаро манфаатли муносабатларимиз чуқурлашишига ёрдам берди.

Ислон Каримовнинг ўғитларига риоя қилган ҳолда, биз икки томонлама ҳамкорликни кенгайтириш ва истиқболли бизнес лойиҳаларини ҳаётга таътиб қилишнинг янги имкониятларини излашда давом этамиз.

“Жаҳон” АА

Айни кунларда шахримизнинг барча масканларида буюк давлат арбоби, Биринчи Президентимиз Ислон Каримов таваллуд топган кунга бағишланган турли маданий-маърифий тадбирлар бўлиб ўтмоқда.

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ МЕЪМОРИ – ТАРАҚҚИЁТИМИЗ АСОСЧИСИ

Тошкент ирригация ва мелиорация институтида Мирзо Улугбек туман ҳокимлиги ҳамкорлигида ўтказилган тадбир, “Ислон Каримов ва Ўзбекистоннинг тинчликпарвар сиёсати” деб номланди.

Тадбирда Тошкент ирригация ва мелиорация институти маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори К. Шавазов, “Жаҳон адабиёти” журнали бош муҳаррири Ш.Ризаев, юридик фанлари доктори, профессор Б.Тошев, Халқ демократик партияси туман кенгаши раиси Ш.Қурбанова ва бошқалар Буюк Йўлбошчимизнинг Ватанимиз мустақиллиги, халқимизнинг осуда, тинч ва фаровон ҳаётини таъминлаш, келажаги порлоқ ёшларни тарбиялаш борасидаги бебаҳо хизматларини алоҳида таъкидладди.

Биринчи Президентимиз ташаббуси билан таълим тизимини замонавий мезонлар асосида юксалтириш йўлида бир

қатор фармон ва қарорлар қабул қилинган. Юртимизда жаҳон стандартларига жавоб берадиган янги олий таълим муассасалари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ҳамда мактаблар қад ростлади.

Ёшларнинг иқтидорини юзасига чиқариш ва рағбатлантиришнинг ўзига хос миллий тизими шакллантирилди. Талабалар ва ўқувчилар ўртасида мунтазам равишда фан олимпиадалари, турли танлов ва мусобақалар уюштириш йўлга қўйилди.

Тадбирда тарихан қиска даврда мамлакатимиз дунёда муносиб ўрин эгаллаб, ҳар томонлама тараққий этгани, аҳолининг турмуш даражаси тубдан яхшиланиб, ёшларнинг жаҳон миқёсида илм-фан, санъат, спорт ва бошқа турли соҳаларда оламшумул ютуқларини қўлга киритаётгани Биринчи Президентимизнинг узоқни кўзлаб юритган оқилона сиёса-

ти эканлиги қайд этилди.

– Буюк Йўлбошчимизнинг фойдаланиш ҳамда таҳликали бир вазиятда огир қийинчиликлар ва синовларга қарамай, Ўзбекистонни жадал ва барқарор суръатлар билан ривожлантирган замонавий демократик давлатга айлантирди, — дейди Мирзо Улугбек туман Маънавият тарғибот маркази раҳбари Мамадали Эронов. – Ислон Абдуғаниевич Каримов ўзининг серқирра сиёсий фаолияти, олижаноб инсоний фазилатлари билан она Ватанимизнинг кўп асрлик тарихида ўчмас из қолдирди. Биринчи Президентимиз нафақат мамлакатимиз, балки жаҳон миқёсида катта ҳурмат ва обрў-эътиборга сазовор бўлган улуғ шахс ва арбоб сифатида танилди.

Тадбирда талаба-ёшлар, профессор-ўқитувчилар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Гулчехра ДУРДИЕВА

инчилик ва синовлардан ўтиб, тарихан қиска даврда жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллади. Ислон Каримовнинг босиб ўтган йўллари, мустақиллигини ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш борасидаги тарихий хизматлари барчамиз учун энг ёрқин ибрат намунаси ва катта ҳаёт мактаби бўлиб қолади. Буюк устозимизнинг сиёсий мероси, у киши белгилаб берган тараққиётимизнинг асосий тамойиллари, устувор йўналишлар, мақсад ва вазифаларни сўзсиз ва тўлиқ амалга ошириш – биз учун ҳам қарз ҳам фарз-дир.

Биринчи Президентимиз Ислон Каримов томонидан ишлаб чиқилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси бугун мавжуд бўлган кўп қиррали сиёсатнинг пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда.

Асосий ютуғимиз – кўпмиллатли халқимизнинг вужудга келаётган қийинчилик ва синовларни енгишга қодирлиги, уларнинг замонавий дунёқараши, сиёсий онги ва ижтимоий фаоллигининг юксалиб бораётгани, атрофимиздаги воқеаларга бепарво бўлмасдан, аксинча, дахлдорлик туйғуси билан яшаётганидир.

Тадбир сўнггида иштирокчилар Биринчи Президентимиз Ислон Каримов фаолиятига бағишланган “Халқ қалбидан абадий жой олган арбоб” номли фильмни томоша қилдилар.

3. ШАРИФЖОНОВ

**Миробод тумани ҳокимининг
ҚАРОРИ**

**МИРОБОД ТУМАНИДА
2017 ЙИЛДА ҚИШЛОҚ
ХЎЖАЛИГИ ВА МЕЛИОРАТИВ
ТЕХНИКАНИ, МАШИНА-ТРАКТОР
ПАРКЛАРИ, УСТАХОНАЛАР ВА
СЕРВИС ПУНКТЛАРИНИНГ
АСБОБ-УСКУНАЛАРИНИ ТЕХНИК
КЎРИҚДАН ЎТКАЗИШ
ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 6 декабрдаги 345-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Машина ва асбоб-ускуналарнинг техник ҳолатини назорат қилиш давлат бош инспекцияси тўғрисида”ги Низоми (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 50-сон, 559-модда), Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2013 йил 2 апрелдаги буйруғи билан тасдиқланган “Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек, машина-трактор парклари, устaxonалар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 17-сон, 229-модда) ижросини таъминлаш ҳамда туманда 2017 йилда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техника, машина-трактор парклари, устaxonалар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини (бундан буён матнда техника деб юритилади) ҳар йиллик техник кўриқдан ўтказиш мақсадида, Тошкент шаҳар “DAVTEXNAZORAT” инспекциясининг 2016 йил 20 декабрдаги 425-сонли хатини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Миробод туманида 2017 йилда мулкчилик шаклидан қатъий назар ташкилотларда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, машина-трактор парклари, устaxonалар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўриқдан ўтказиш иш режаси 1-иловага ва комиссия тарихи 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Туман қишлоқ хўжалиги техникалари бўйича давлат инспектори М.Каримкуловага:

техникага мулк ҳуқуқи асосида эга шахсларга (бундан буён матнда мулкдор деб юритилади) техникаларини техник кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги билдиришномани техник кўриқ ўтказиш кунидан камидан ўттиз кун олдин юбюрлишни таъминлаш; мулкчилик шаклидан қатъий назар барча русумдаги қишлоқ хўжалик ва мелиоратив йўл қурилиш техника воситалари, машина асбоб-ускуналарини йиллик техник кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги иш режаси ва комиссия тарихини юридик ва жисмоний шахсларга етказиш;

мулкчилик шаклидан қатъий назар барча русумдаги қишлоқ хўжалик ва мелиоратив йўл қурилиш техника воситаларини йиллик техник кўриқдан ўтказиш майдончаларига ййили;

техник кўриқдан ўтган техникаларни далолатномалар асосида ишлашга рухсат беришни ташкил қилиш;

техник кўриқдан ўтмаган ёки техник кўриққа тақдим этилмаган техникалар юзасидан мулкдорга ёзма кўрсатма берилиши ва қайта техник кўриқдан ўтказиш учун ўн кундан кам бўлмаган муддатни белгилаш;

техникани қайта кўриқдан ўтказиш учун мулкдордан ййғим ундирилмаслик;

мулкдор кўрсатмада белгиланган муддатда техникани қайта техник кўриқдан ўтказмаган ҳолда туман ҳокимлигига маълумот бериш ишларини амалга ошириш топширилсин.

3. Бошқа туманларда фойдаланилаётган техника ушбу манзилдаги давлат инспектори томонидан техника доимий рўйхатдан ўтган давлат инспекторининг сўровномасига асосан техник кўриқдан ўтказилиши белгилансин.

4. Мулкдорларга:

билдиришномани олгандан сўнг техник кўриқ ўтказилишдан камидан беш кун олдин техник кўриқдан ўтказиладиган техникалар тўғрисида далолатнома тўлдирилсин;

техник кўриқдан ўтказиш учун белгиланган ййғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни техника доимий рўйхатдан ўтган жойдаги давлат инспекторига тақдим этилсин.

5. Тошкент шаҳар “DAVTEXNAZORAT” инспекцияси (С.Хайтов):

ташкilotлар раҳбарлари томонидан мазкур қарорни тўлиқ бажариш юзасидан қатъий назорат ўрнатсин.

6. Мазкур қарор “Тошкент оқшони” ва “Вечерний Ташкент” газеталарида расмий эълон қилинсин ва www.mirobod.poytaxt.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.

7. Мазкур қарор расман эълон қилинган кундан эътиборан қучга қиради.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Миробод тумани ҳокимининг саноатни ривожлантириш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалар бўйича биринчи ўринбосари маъмуасига юклатилсин.

Миробод тумани ҳокими
Ш.Кадилов

2017 йил 27 январь

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг www.tashkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ
Тошкент шаҳрида 1 февраль кунини ҳаво ўзариб туради, ёлғизчилик бўлмади. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 0-2 даража

суюқ, кундузи — 6-8 даража илқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 1 февраль Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

ИҚТИДОР ВА ИСТЕЪДОД
ЭГАЛАРИГА ЭЪТИБОР

Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Мирзо Улуғбек туман Кенгаши томонидан ташкил этилган “Камолот” эътирофи” лойиҳасининг тақдироти бўлиб ўтди.

Мазкур лойиҳа Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 15 сентябрда қўл қўйган “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш, мамлакатимизда ёшларга берилмаётган юксак эътибор, “Камолот” фаолларини таълим, спорт ва ижтимоий соҳаларда эришадиган ютуқларини рағбатлантириш, ёшларнинг билим ва кўникмалари, интеллектуал салоҳиятини янада ошириш, истеъдод ва иқтидорларини ривожлантиришга, ёш авлодда етакчилик кўникмаларини шакллантириш ва таълим муассасаларини бир-бирига узвий боғлиқлигини таъминлаш мақсадида амалга оширилмоқда.

Бинонинг фойсисда тадбирга ташир буюрган меҳмонлар ва иштирокчиларга хуш кайфият улашиш мақсадида Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти талабалари ҳамда В.Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусика академик лицейининг истеъдодли ўқувчилари томонидан ўзбек ва жаҳон мусикаси намуналари ҳавола қилинди.

Тадбирда сўз олган Мирзо Улуғбек тумани ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар кўмитаси раиси Д.Обидова, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши раиси А.Жумабоев ва бошқалар

мамлакатимизда мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб давлатимиз томонидан ёшлар масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинаётганини таъкидлаб ўтишди.

Тадбир аввалида “Камалак”, “Камолот” сардорлари табриги, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов хотирасига бағишланган ҳамда Ҳаракат фаолиятига оид видеофильмлар намойиш этилди.

— “Камолот” эътирофи — 2017” лойиҳаси 2016-2017 ўқув йилида умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва ўрта махсус касб-хунар коллежлари ва олий таълим муассасаларидаги фаол ёшларни ҳамда ҳамкор ташкилотларни тақдирлашга қаратилган бўлиб, турли йўналишларда ғолиблар аниқланади, — дейди “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Мирзо Улуғбек туман Кенгаши раиси Шерзод Олимов. — Ёшларни китоб ўқишга қизиқтириш, ёшлар онгига ҳуқуқий, маънавий, жисмоний билимлар билан озиқлантириш орқали салбий йўллар ва диний оқимларга кириб кетишининг олдини олиш, юртимиз равнақи учун малакали ёш кадрларни тайёрлашга, қолаверса, бўш вақтларини мазмунли ва сермахсус камраб олиш, соғлом турмуш тарзига ошно этиш, улардаги иқтидор ва истеъдодни юза-



га чиқариш, энг асосийси ёшларни касбга йўналтириш, муносибларни тақдирлаш мақсадида Мирзо Улуғбек туманида “Камолот” эътирофи” лойиҳаси ташкил этилди. Турли йўналишлардаги номинациялар учун номзодларни 2016-2017 ўқув йилидаги эришган ютуқлари ва кўрсатган натижаларига қараб ғолиблар аниқланади. Ғолиблар жорий йилнинг 25 апрелида “Камолот” ЕИҲ ташкил топанлигининг 16 йиллиги муносабати билан ўтказиладиган кечада, яъни “Камолот” эътирофи — 2017” лойиҳаси тақдирлаш маросимида тақдирланади. Хар бир номинацияларга иштирокчиларнинг хоҳиши ва талабчанлик самарасига қараб 3, 4 ҳатто 5 нафаргача номзодлар киритилиши мумкин. Барча номинацияларда комиссия аъзолари натижасига қўра фақат битта номзод алоҳида эътироф этилади. “Камолот” эътирофи — 2017” лойиҳасида 16 та номинацияларда қатнашган барча номзодларни ра-

батлантириш мақсадида бир кунлик “Самарқандга саёҳат” акцияси билан якунлаш белгиланган.

Тадбир давомида туманда жойлашган 7 та олий таълим муассасаларининг 2016-2017 ўқув йилида “Камолот” стипендияси”га сазовор бўлган 14 нафар талабалари, шу билан бирга туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими, В.Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусика академик лицейи, 64-умумтаълим мактаби раҳбариятлари, 221, 248-умумтаълим мактаблари “Камолот” ЕИҲ бошланғич ташкилотлари етакчилари ҳам фахрий ёрликлар билан тақдирландилар. Тадбир якунида фаол ва иқтидорли ёшларга ҳам Ҳаракатнинг туман Кенгаши томонидан ташаккурнома ва эсдалик совғалари топширилди.

Зиёда РАСУЛОВА

Спорт янгиликлари

СПОРТ — ДЎСТЛИК ЭЛЧИСИ

Тошкент молия институтининг спорт мажмуасида институтнинг 25 йиллиги муносабати билан сузиш, волейбол, стол теннис, шахмат, шашка, баскетбол, енгил атлетика, кураш, футбол бўйича спартакиада мусобақалари бўлиб ўтди.

Мусобақалар Тошкент молия институти раҳбарияти, маънавият ва маърифат бўлими, “Жисмоний маданият ва спорт” кафедраси ташаббуси билан ташкил этилди.

Спортнинг алоҳида турларини тарғиб этиш ишларининг кўламини кенгайтириш мақсадида ўтказилган спорт мусобақаларида институт турли факультетларининг 1-4-курс талабалари ўз жамоалари билан иштирок этди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, институт жамоаси “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастуридан келиб чиққан ҳолда талаба-ёшларнинг саломатлиги ва баркамоллигини таъминлашда бу каби оммавий спорт тадбирларининг аҳамиятини янада ошириш лозимлигини кўзда тутди.

Натижалар бўйича юқори поғоналарни забт этган ғолиб жамоалар ва фаол иштирокчилар ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари, диплом ва кубок билан тақдирландилар.

Фаррух МАВЛЯНОВ,
Тошкент молия институти ўқитувчиси

НАЗОРАТ БАҲСЛАРИ

Жорий йилги футбол мавсумига пойтахтимиз жамоалари жиддий ҳозирлик кўришмоқда.

Мамлакатимизнинг амалдаги чемпиони “Локомотив” жамоаси БААнинг Дубай шаҳрида ташкиллаштирилган йилги доирасида 2 та назорат баҳсларида иштирок этди. Саудия Арабистонининг “Ал-Қодисия” клуби билан беллашувда томонлар мурса йўлини танлашди. Ҳисобида 0:0 ҳисобида якунланди. Шунингдек, Россиянинг “Зенит” жамоаси билан “Локомотив” ўртасида уюштирилган учрашувда ҳам дарвозалар дахлсиз қолди.

“Бунёдкор” жамоаси ҳам Дубайда уюштирилган йилги доирасида 6 та назорат учрашувда омадини синаб кўрди. Унда тошкентликлар 1 та ғалаба, 3 та дуранг ва 2 та мағлубият натижага қайд этишди. “Ал-Шааб” жамоаси “Бунёдкор” томонидан 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратилди. “Хенан Жиань”, “Ал-Файсали”, “Ал-Райд” жамоалари билан “Бунёдкор” ўртасида 1:1 ҳисобидаги дуранг натижалар қайд этилди. “Калдирғочлар” Гана терма жамоасига 0:2 ҳамда “Абердин” жамоасига 1:2

ҳисобларида имкониятни бой бериб қўйишди. Энди йилнинг Тошкентда давом эттирилмоқда.

“Пахтакор” жамоасининг БААдаги ўқув-машғулот йилги 30 январь кунини ниҳоясига етди. Ҳамшаҳарларимиз ҳам йилги доирасида бир нечта жамоалар билан назорат ўйинларида омадларини синовдан ўтказишмоқда. Ўтган ҳафтада пахтакорчилар Хитойнинг “Чанчун Ятай” клубини 4:1 ҳисобида доғда қолдиришди. “Пахтакор”нинг голларига Игорь Сергеев (2 та), Жалолиддин Машарипов ва Шерзод Каримов муаллифлик қилишди.

Пойтахтимизда ўқув-машғулот йилгини олиб бораётган “Обод” “Бухоро” билан ўтказилган ўртоқлик баҳсида 0:2 ҳисобида имкониятни бой берди. Аммо “Обод” жамоаси ўринбосарлари “НБУ-Осиё” жамоаси билан ўйинда 0:0 ҳисобидаги дурангни қайд этишди. Пойтахтимиз жамоаларида ҳамон селекция ишлари қизғин давом этмоқда.

Ақбар ЙУЛДОШЕВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

“Ипотека-банк”
акциядорлик тижорат ипотека банки“Имконият”
миллий валютадаги
ютуқли жамғарма омонатини тақлиф этади

Омонатга пул маблағларини қабул қилиш 2017 йилнинг 1 апрелига қадар амалга оширилади.

Мазкур омонат амалда бўлган даврда унга қўшимча маблағлар қабул қилиб борилади. “Имконият” омонатга пул маблағлари чекланмаган миқдорда қабул қилинади ҳамда омонат тури бўйича ўтказиладиган ютуқлар тиражида омонат қолдиғи 15 000 000 (ўн беш миллион) сўм ва ундан ортиқ маблағи мавжуд ҳисобварақлар иштирок этиши мўлжалланмоқда.

Мазкур омонат бўйича ютуқлар тиражида, омонатчи фойз даромади билан бирга ютуқлар тиражи якунига қўра 14 та “Spark” автомобили ёки 400 дан ортиқ маиший техника буюмларига эга бўлиши мумкин.

Тираж якунидан сўнг, ютуқ чиқиш ёки чиқмаслигидан қатъи назар, Сизнинг омонатингиз маҳаллий ҳокимиятнинг тегишли ҳулосасига қўра, янги квартира сотиб олиш учун расмийлаштирилаётган имтиёзли ипотека кредитининг бошланғич бадалли сифатида махсус ҳисобрақамга йўналтирилиши мумкин. Имтиёзли ипотека кредити, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартиралар уй-жойлар қуриш ва реконструкция қилиш дастурини амалга оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида” 2016 йил 22 ноябрдаги ПҚ-2660-сонли қарори асосида қурилган уйлардаги квартираларга ажратилади.

Шошилинг ва бу имкониятни қўлдан чиқарманг!

ИПОТЕКА БАНК

Imkoniyat yaratamiz

www.ipotekabank.uz

Омонатларингиз “Фуқароларнинг омонатларини кафолатлаш фонди” томонидан ҳимояланган.

Хизматлар лицензияланган

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР



ПОЙТАХТИМИЗ АҲОЛИСИ
ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2017 йилнинг “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб эълон қилинганлиги муносабати билан барча коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари қатори, “Тошкентшаҳаргаз” филиали томонидан ҳам табиий газ истеъмолчилари билан яқиндан учрашувлар ташкил қилиб, газ етказиб бериш бора-сидаги мавжуд муаммоларни жойида ҳал этиш режалаштирилган. Шу сабабли, 2017 йил январь ойи бошидан Тошкент шаҳри табиий газ истеъмолчилари хонадонларида хатлов ишлари олиб борилмоқда.

Сиздан ушбу хатлов жараёнида фаол қатнашиб, мавжуд муаммоларни ҳал этишда биргаликда ҳаракат қилишингизни сўраймиз.

“ТОШКЕНТШАҲАРГАЗ” ФИЛИАЛИ МАЪМУРИЯТИ

“AUTO GARANT BUSINESS”
МЧЖ ихтисослаштирилган Корхонаси бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиди

Ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!
2017 йил 9 февраль кунини соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига қўйиладиган автотранспорт воситалари қўйилмоқда. 1. Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан 23.08.2016 йилдаги №23518/22-сонли ижро варақасига асосан хатланган 2006 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 Р 198 ЕА бўлган Матиз русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 19 300 000 сўм. 2. Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан 14.09.2016 йилдаги №28365/22-сонли ижро варақасига асосан хатланган 2008 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 О 995 АА бўлган “Шевролет Оптра” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 41 224 839 сўм.

2017 йил 22 февраль кунини соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига Тошкент шаҳар Миробод тумани СИБ томонидан 16.02.2015 йилдаги №2123-24/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган 2008 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 30 К 988 СА бўлган Эпика русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 43 618 000 сўм. Миқдорда тақдоран қўйилмоқда.

Юқорида келтирилган автотранспорт воситалари Тошкент шаҳри, Сергели тумани “Истеъмолда бўлган транспорт воситалари ва эҳтиёт қисмлар Сергели бозори” МЧЖнинг махсус ажратилган жойида сакланмоқда. (муълж Сергели машина бозори).

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-йил манзилда бўлиб ўтади.

Юқоридаги автотранспорт воситалари ва мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни хар кунини (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. Аризаларни қабул қилишнинг охири мўддати 2017 йил 9 март кунини соат 16:00, 2017 йил 22 февраль кунини соат 16:00. Аукцион савдоси учун 2017 йил 20 март кунини соат 16:00. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда хар бир автотранспорт воситаси учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — “Auto Garant Business” МЧЖнинг “ASIA ALLIANCE BANK” АТБ Мирзо Улуғбек тумани филиалидаги қўйиладиган ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: 2020 8000 9048 8730 5001, МФО: 01103, СТИР: 301 829 604. Аукцион ғолиби сотиб олган автотранспорт воситаси қийматини 5 банк кунини мобайнида тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-йил. www.agb.uz. Телефон: (371) 233-61-44, (95) 146-61-44.

Гувоҳнома 004593.

“REALTOR GARANT BUSINESS”
МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиди ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

2017 йил 7 март кунини соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига қўйиладиган кўчмас мулклар қўйилмоқда:

Тошкент шаҳар Яшнобод тумани СИБ томонидан ТШХС 28.07.2016 йилдаги №10-1621/10427-сонли ижро варақасига асосан хатланган Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Мумтоз кўчаси, 5-йил манзилда умумий майдони 1162 кв.м. қурилиш майдони 348 кв.м. фойдали майдони 318,51 кв.м. иборат завод қисми. Бошланғич баҳоси: 547 782 000 сўм. 2. Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан 29.08.2016 йилдаги № 27034/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган Тошкент вилояти, Чирчик шаҳри, А.Навоий кўчаси, 255-йил манзилда жойлашган умумий 1935 кв.м. ер майдонида жойлашган бино. Бошланғич баҳоси: 2 888 355 000 сўм.

3. Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан 29.08.2016 йилдаги № 27034/13-сонли ижро варақасига асосий хатланган Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Тўрт ариқ кўчаси, 271-йил манзилда умумий 1117,0 кв.м. ер майдонида жойлашган 2 та яшаш хонадан иборат бўлган кўчмас мулк. Бошланғич баҳоси: 20 130 050 сўм.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-йил манзилда бўлиб ўтади. Юқоридаги кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни хар кунини (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш кунини қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар мулкнинг бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда хар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — “REALTOR GARANT BUSINESS” МЧЖнинг ХАТБ “Universal bank” Тошкент шаҳар филиалидаги қўйиладиган ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: 2020 8000 5049 3605 0001, МФО: 00996, СТИР: 207 125 885. Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк кунини мобайнида тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-йил.Телефон: (8371) 233-09-38. www.rgbusiness.uz.

Лицензия: RR-0052.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри.
Матбуотчилар кўчаси, 32

Бизнинг элекрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz

Буюртма Г- 135

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар 233-28-95.
Факс (371) 233-29-55

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рухсатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
12125 нускада босилди.
Қўғоз бичими А-2

Нашрини етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки
«Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Нашр учун масъул
О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-йил

Бosh муҳаррир
АКМАЛ АКРОМОВ

Топшириш вақти: 13.00 Босишга топширилди: 15.55